

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАЛИКАЛАРИ

Йўлдошева Муслима Маъмуронва

Фарғона вилояти Риштон тумани 23-мактаб ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7233652>

**Аннотация.** Мақолада Қўқон маликаларининг бунёдкорлик фаолияти, олимларга ҳомийлиги ёритилган. Уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ҳақида ма’лумот беради. Додхоҳ унвонига эга бўлган аёлларнинг фаолияти ҳам алоҳида таъкидланган.

**Калим сўзлар:** Малика, Нозикойим, Мингайим, Махларийим, Ҳакимоим, Зиннат, Курбонжон, Марғилон, Талас, Мадалихон, Олимбек, Музaffer, Ҳудаярхон.

## КОРОЛЕВЫ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

**Аннотация.** В статье освещается созидательная деятельность и покровительство учёным Кокандских принцесс. Приводятся сведения об их роли в государственном управлении. Также освещен деятельность женщин обладавших титулом додхоҳ.

**Ключевые слова:** Принцесса, Назикайим, Мингайим, Махлараим, Ҳакимоим, Зиннат, Курбанджан, Марғилан, Талас, Мадалихон, Алимбек, Музaffer, Ҳудаярхон.

## QUEENS OF THE KOKAND KHANATE

**Anotation.** In this article, the Queens of Kokand Khanate and their construction of buildings, the charity to science people, the position of managing government are illustrated. Further more, the activities of women, who have Dodkhoh rank in Khanate, are split.

**Keywords:** Queen, Nozikoyim, Mingoyim, Mokhlaroyim, Khokimoyim, Zinnat, Kurbondjon, Margilan, Talos, Madalikhon, Olimbek, Muzaffar, Khudoyorkhon.

## КИРИШ

Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўзларининг бунёдкорлик ишлари, илм аҳлига ҳомийлиги, саҳоватпешалиги билан фаол бўлган маликалар, жасурлиги, мардлиги, ватанпарварлиги билан танилган додхоҳ аёллар, илм-фан, санъат, адабиёт ривожланишига ҳисса қўшган шоиралар номларини такидлаш жоиз. Хусусан: Ўз даврининг илм сирларини эгаллаган, теран заковатли, меҳр-муҳаббатда юксак қалб соҳибалари бўлган маликалар давлатда қамрови бирмунча кенг бўлган саҳоватпешалик фаолияти билан шуғулланганлар. Мана шундай саҳоватпешалик ишларини бошлаб берган маликалардан бири Қўқон хонлигининг биринчи хукмдори Шоҳруҳбийнинг рафиқаси Нозикбиби саналади. Шоҳруҳбий ҳаётлигининг сўнгиги йилларида, яъни тахминан 1719-йилда ўзбек уруғларини янада жипслаштириш мақсадида Қирқ уруғи оқсоқоли қизи Нозикбибига уйланади. Шундан сўнг Нозикбиби мавқейи ўзгариб Нозик Ойим деб айтила бошланган. Шоҳруҳбий ушбу хотини учун Лайлакхона (شاҳарнинг жанубий қисмида) мавзесининг бир томонида ер-мулк инъом қилади ва бу жойда сарой барпо этади. Икки йиллар чамаси вақт ўтиб 1721-йиллар атрофида Шоҳруҳбий вафот этгач, Нозик Ойим бу саройга доимий яшаш учун кўучиб ўтади. Ўзига инъом этилган сарой атрофидаги экин майдонларини атроф қишлоқлардаги ночор дехқонларга фойдаланишга тақсимлаб беради. Ўзи ўғли Абдурахмонхонни тарбиялаш билан бирга қишлоқ қизларини мактаб очиб саводини чиқариш билан шуғулланади. Ўз ерларидан келган маблағлардан етимхона очиб мискинларни қўллаб-қувватлайди, қишлоқ мактаби ҳаражатларига сарф этади. Ушбу сарой асосида юзага келган қишлоққа халқ

“Ойимқишилөк” деб ном беради. Кейинчалик бу жой хонликнинг бошқа аслзода аёллари учун ҳам табаррук жойга айланиб, Кўқон маликалари бу жойда маълум муддат яшашни ўз бурчлари ва шарафи деб биладилар [1: 131-б].

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақола умум қабул қилинган тарихий услублар – тарихийлик, қиёсий – мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда хонликнинг ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётида маликларнинг тутган ўрни таҳлил қилинган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хонлик тарихида ном қолдирган маликалардан яна бири Кўқон ҳукмдори Норбўтабий (1763-1798)нинг рафиқаси, минг уруғи оқсоқолининг қизи Зухра Ойимдир. Шаҳар аҳли маликани минг уруғидан эканлигини ҳисобга олиб унга “Мингойим” деб ном берадилар. Бошқа бир манбада такидланишича Мингойимнинг асл исми Фахриннисо бўлиб, И момқулибекнинг қизи бўлган [2: 134-б]. Малика ҳукмдорга турмушга чиқкан пайтида унга маҳр сифатида катта ер-мулк, берилади, ушбу мулқдаги ховлилардан бирида мактаб очиб, отинби биларни ёллаб қизларни ўқитади. Бир қисм ерларини турли масжид, мадраса, хонақоҳ ва қабристонларга вақф қилиб беради. Мингойим Нозик Ойимнинг набира келини бўлганлиги учун Ойимқишил қайнидаги ўз ерларини қайнабувисидан ибрат олиб ерсиз дехқонларга тақдим этади. Бу жойда вужудга келган қишлоқ “Ойим қўргонча” деб номланади [3: 52-б].

Машҳур ўзбек шоираси Нодирабегим ҳам Кўқон маликалари орасида муносиб ўрин эгаллади. Нодира Андижон ҳокими Раҳмонқулбийнинг қизи бўлиб, Раҳмонқулбий Минг уруғи ўзбекларининг кўзга кўринган вакилларидан эди. Олимхон 1808-йил Тошкентда бўлган исённи бостириб, Кўқонга қайтгач, укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини берди. Сўнгра уни ўз тоғаси – Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойимга уйлантиришга қарор берди. Бу қизнинг ақллилиги, одоби ва гўзаллиги атрофга достон бўлган эди. Олимхон бу иши орқали ўз тоғаси ва укаси ўртасидаги қариндошлиқ муносабатларини маҳкамламоқчи, шу йўсинда ўз сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи бўлди [4: 220-б]. Моҳлар ойим Умархон никоҳига ўтгач аввал Марғилонга, сўнгра Кўқонга келади. 1810-йили Олимхон ўлдирилгач Кўқон таҳтига Умархон ўтиради. Мана шу даврдан бошлаб Нодиранинг хонлик ҳаётидаги роли фаоллашиб боради. Умархон даврида аёллар ҳуқуқлари маълум борада ҳимоя қилина бошланди. Бунда унинг рафиқаси Нодирабегимнинг хизматлари бениҳоя каттадир. У аёлларнинг ўқиш, ёзишни ўрганишлари учун мадрасаларда дарс ташкил этиб, отинойиларнинг сабоқ беришни йўлга қўйган. Анъанага кўра Кўқон хони Олимхон (1798-1810) ўз хукмронлиги даврида укаси Умархонни 1806-йилда Моҳларойимга уйланиши муносабати билан келинига маҳр учун катта ер-мулк инъом этган. Унга берилган ер-мулк “Чек Моҳларойим” деб аталади. У бу мулқда илм-маърифатни ривожлантиради, ёш ижодкор қиз-жуонларни ижодини қўллади. Бундан ташқари Моҳларойим ҳам Кўқон маликалари удумларига амал қилиб қайноаси Зухра Ойим (Мингойим) ва момо қайноаси Нозик Ойимдан ибрат олади. У ҳам Ойим қишлоғи мавзесида яна бир қўргон ташкил этиб ночорларни қўллади, дехқонларни ўзларига фойдаланишга ер-мулк бўлиб беради болаларини саводини чиқаради. Буни натижасида ушбу заминда пайдо бўлган янги қўргонга халқ “Моҳларойим” қўргони деб ном берадилар.

## МУҲОКАМА

Қўқон маликлари орасида кирғизларнинг сару уруғидан бўлган Ёрқиной (Жарқинойим) фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ёрқиной 1802-йили Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Қизил - Работ қишлоғида таваллуд топган. Қирғиз тарихи энсиклопедияси, Қирғизистоннинг асл қизлари номли китобларда уни Асперди доддоҳ қизи деб кўрсатадилар. Аммо, Маҳзуннинг “Фарғона хонлари тарихи” асарини ўрганилиши натижасида Ёрқиной Асперди доддоҳнинг қизи эмас, Ахсилик Тўхтаназар доддоҳнинг қизи эканлиги маълум бўлди [5: 167-б]. Ёрқинойнинг болалик йиллари Талос водийсининг Қорабура овулида ўтган. Ёрқиной чиройли, ақлли, хушмуомала эл қадрлаган қиз бўлган. Қўқондаги ўзаро таҳт талашишлар натижасида Талосга келиб қолган, бўлажак Қўқон хони Шерали билан турмуш қуради.

Шерали Қўқон хони бўлгач Ёрқиной ҳам фарзандлари билан бирга Қўқонга хон ўрдасига кўчиб келади. Гарчанд Ёрқиной хоннинг аёли сифатида муҳташам ўрдага жойлашган бўлсада, уни кўчманчи-чорвадорларга хос бўлган хислатлар тарқ этмаган. Нақл қилишларича Ёрқиной ўрда ҳовлисида чодир тикириб, шу ерда истиқомат қилишни мақул кўрган. Ўрдадагилар Ёрқинойни “Хонойим”, “Ҳокимойим” деб ҳурмат қилишган.

Ҳокимойим доно маслаҳатчи, қанчадан-қанча савоб ишларнинг ташаббускори бўлган, ўзининг вафотидан сўнг қилиниши лозим бўлган хайрли амалларни ўғли Худоёрхонга васият қилиб қолдирган. 1868-йил рамазон ойида Ҳокимойим вафот этади. Уни Қўқон маликаларининг ҳазира(бир уруғ ёки оила аъзоларининг қабрларидан иборат кичик қабристон)сига дағн этадилар [6: 100-б]. Жанозадан қайтган хон узлатда ўн кечакундуз сурункасига тоат-ибодат қилиб, шундан кейингина давлат ишларига аралашиб, ҳарамга киради [7: 180-б].

Онасининг вафотидан сўнг Худоёрхон Ҳокимойимга аatab мадраса қурдиришга фармон беради. Манбаларга кўра мадраса 1869-1870-йилларда қуриб битказилган. Мадраса бунёд этилган жой ва унинг меъмори ҳақида қўйидагича маълумот учрайди: “Худоёрхон волидаи шарафларини васиятлари бирла оналарини номиға мадраса солмоқ бўлуб, мулла Турдиали мирзони ишбоши қилиб, масжиди жоменинг шарқида мадарсайи олий биносиға машғул бўлиб, саҳл вақтида итмомиға етиб, Мадрасаи “Ҳоким ойим” номзод қилди. Ва яна мадрасаи “Ҳоким ойим”фа Шахрихон устида дарёдан ариқ чиқариб, ҳирожи вакф айлади”[8: 79-б]. Шунингдек мадрасага Хонобод, Янги қишлоқ, Тожик қишлоқ, Қанғли, Тилиминг, Оққўрғон, Иса авлиё қишлоқлари ва яна Қўқондаги 32 та дўйон ҳам вақф мулки қилиб берилганди [9: 122-б].

Ҳокимойимнинг Зиннат исмли опаси бўлиб, у ҳам Шералихон Қўқон таҳтига ўтиргандан сўнг синглиси билан бирга Қўқонга келади. Шералихон томонидан унга доддоҳ унвони берилиб, ҳарам ишларига бошчилик қиласди. Рус олимлари Владимир Наливкин ва Мария Наливкиналар у ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Қўқонда бири Зиннат, иккинчиси Маҳзуна тахаллуси билан ижод қилиб келаётган икки шоира бор. Айтишларича, улардан бири хон саройига эрқаклар либосида юзи очик ҳолда кириб бора олади. Унга генерал – доддоҳ унвони берилган” [10: 116-б]. Зиннат 1842-1868 йилларда хонлик сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Қўқонда яшаб қолган, Талосга қайтмаган. Унинг ҳаётига доир бошқа маълумотлар сақланмаган. Қабри Қўқонда деб ҳисобланади.

Қўқон хонлигига доддоҳ унвонига сазовор бўлган аёллардан яна бири Қурбонжон доддоҳ эди. У 1811-йил Ўш шаҳри яқинидаги Орке қишлоғида туғилади [11: 193-б].

Курбон ҳайити куни туғилганлиги учун Қурбонжон деб исм қўйишади [12: 51-б].

Қурбонжон улғайгач дастлаб, отасининг дўсти Тўракулбийнинг ўғли Қулсайитга турмушга чиқади, аммо у билан узоқ вақт яшай олмасдан ажрашади. Кейинроқ эса Қўқон хонлигида мартабали лавозимларда ишлаган Олимбек додҳоҳ билан 1831-йилда турмуш куради. Олимбекка Қўқон хони Мадалихон 1831-йилда додҳоҳ унвонини беради. 1832-йилда эса Олимбек Андижон ҳокимлигига тайинланади [13: 15-б]. Қурбонжонни Андижон ҳокими Олимбек додҳоҳ билан турмуш қуриши унинг пойтахт Қўқондаги ўрда хонимлари билан яқиндан муносабат ўрнатишига имкон беради. 1833-йили Олимбек Қурбонжонни Қўқон саройига олиб келиб, малика Нодирабегимга таништиради. Олимбек саройда катта обрў-эътиборга эга бўлгани учун унинг рафиқасига ҳам катта иззат-икром кўрсатилади. Қурбонжон Қўқон хони, унинг амалдорлари, сарой ҳаёти билан танишади. Машхур ўзбек шоиралари Нодирабегим, Увайсий ва бошқаларнинг таъсирида унинг дунёқарashi шаклланади.

Қўқон хонлиги тахтини 1845-йилда Шералихон эгаллагач Олимбек додҳоҳ ва Қурбонжон янги хонни қутлаш учун Қўқонга келади. Бу ерда Қурбонжон Шералихоннинг рафиқаси Жарқинойим билан яқиндан танишади ва бундан буён бир-бирларига ёрдам беришга келишиб олишади. Олимбек додҳоҳ 1863-йилда фитна қурбони бўлади. Қурбонжон эса эри ўрнига ҳоким бўлиб қолади. Лекин кўп ўтмай фарзандларини олиб она юртига кетиб қолади ва “Олой маликаси” деб довруғ чиқаради. Еттисувдан, ҳатто Хитой чегарасидан ҳам қирғизлар унинг олдига келиб маслаҳат сўрайдиган бўлиб қоладилар. Бухоро амири Музаффар Қурбонжоннинг ақлига, дилбарлигига қойил қолган эди. Муҳими, Қурбонжондаги саркардадек мардлик ва дадилликни, сиёсатчига хос эҳтиёткорликни у билан Ўшда учрашганида тан олган эди. У Олой маликасини ўзига иттифоқчи қилиш пайига тушади ва унга додҳоҳ ёрлигини беради. Бундан сарой амалдорлари, шайхулислом, қозикалон ва бошқа уламолар ҳайрат ила ёқа ушлашди. Амир Музаффар ёрдамида Қўқон тахтини эгаллаган Худоёрхон ҳам Қурбонжонга додҳоҳ унвонини беради ва Олой водийсига ҳоким қилиб тайинлайди [14: 212-б].

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Минг сулоласи маликалари орасида илм аҳлига ҳомийлик қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжданд оиласарнинг ўғил-қизлари тахсил олиши учун мактаблар барпо этиш анъана айланган бўлиб, бу борада Нозикбиби бошлаб берган бунёдкорлик ишлари кейинги маликалар даврида ҳам давом эттирилди.

## REFERENCES

- Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва қўчаларининг номланиш тарихи. Ф.: Фарғона, 2007. – 131-б.
- Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т.: Фан ва технология, 2014. – 134-б.
- Эсонов З, Тошматов Ш, Исомиддинов З. Қўқон хонлари ўрдалари тарихи. Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – 52-б.
- Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Т.: Фан, 1961. – 220-б.
- Зиябидин Максым. Фарғана хаандарынын тарыхи. Б.: Турар, 2007. – 167-б.
- Дадабоев Я. Худоёрхон ўрдаси. Н.: Наманган, 2016. – 100-б.
- Умаров Ш. Худоёрхон авлодлари тарихи. Т.: Фан ва технология, 2016. – 180-б.

8. Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – 79-б.
9. Алихожиев М. Қўқон хонлигининг маданий хаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни. Тарих фан. номз...дисс. – Т: 2012. – 122-б.
10. Абдуллаев Р. Курбонжон додхоннинг тахаллуси нима? // Тафаккур. 2018. - № 4. – 116-б.
11. Умурбеков Т. Улуу инсандардын Кыргызстандын тарыхындагы ролу жана орду. Б.: Бийиктик, 2003. – 193-б.
12. Бектурганова К. Кыргызстандын асыл кыздары. Бишкек, 2006. – 51-б.
13. Алымбек датка жана анын доору //Жооптуу редактор К.С.Молдокасымов. Б.: MaxPrint, 2016. – 15-б
14. Содиков X, Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи (биринчи китоб) Т.: Шарқ, 2011. – 212-б.
15. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
16. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences, 1(3), 79-86.
18. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
19. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
20. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
21. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philosophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8), 296-298.
22. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. July–August, 289.